ЎЗБЕКИСТОНДА ПСОРИАЗ КАСАЛЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИНИШИ БЎЙИЧА СТАТИСТИК МАЪЛУМОТ

Н.И. Боймурзаев[1], М.И. Исмоилова[2]
[1,2]Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий маркази, Альфраганус университети, тиббиёт факультети

DOI: 10.67620/dermajournal.1730017

Кириш

Псориаз — сурункали, иммун-яллиғланиш хусусиятига эга бўлган, беморнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дерматологик касалликдир. Касалликнинг сурункали ва қайталанувчан кечиши беморларни узоқ муддат тиббий кузатув ва даволашни талаб қилади.

Псориаз эпидемиологиясини ўрганиш нафақат дерматологик хизмат фаолиятини баҳолаш, балки тиббий ресурсларни режалаштириш, дори воситаларига эҳтиёжни аниқлаш, профилактик тадбирларни ташкил этиш ва беморларни диспансер кузатувига олиш учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда псориазнинг эпидемиологик хусусиятлари бўйича ўтказилган тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий маркази базасида шакллантирилган 2023–2025 йилларга тегишли статистик маълумотлар таҳлил қилинган.

Тадқиқот мақсади

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида псориазнинг статистик рўйхатга олиниши ва тарқалиш динамикасини ўрганиш, касалликнинг жинс хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда эпидемиологик мониторингни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Материаллар ва усуллар

Тадқиқотда Ўзбекистонда псориаз эпидемиологиясига бағишланган илмий тадқиқот материаллари, 2023–2025 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Статистик таҳлилда тарқалиш кўрсаткичлари 100 000 аҳолига нисбатан баҳоланган. Беморлар ёши, жинси, клиник шакли ва касаллик оғирлиги бўйича гуруҳларга ажратилган. Тадқиқот муаллифлари статистик ишлов беришда **IBM SPSS Statistics 23.0** ва **Microsoft Excel 2016** дастурларидан фойдаланган.

Натижалар

Тадқиқот натижаларига кўра, псориаз ташхиси билан рўйхатга олишнинг республика кўрсаткичи 2022 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 16,3 та, 2023 йилда 15,6 та, 2024 йилда 15,0 та, 2025 йилда эса 14,3 та бўлган. Демак, бу маълумотлар псориазни аниқланиш кўрсаткичи йиллар давомида пасайганини кўрсатади.

Ҳудудлар кесимида ўрганилганда, 2022 йилда Тошкент шаҳрида 100 минг аҳолига нисбатан 35,4 та, 2023 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 33,5 та, 2024 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 26,1 та, 2025 йилда эса 100 минг аҳолига нисбатан 27,1 та янги ҳолат рўйхатга олинган. Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам нисбатан псориаз касаллиги кўпроқ аниқланган: мос равишда 20,8 та, 17,4 та, 25,9 та ва 33,3 та.

Республикамизнинг айрим ҳудудларида эса, псориазни бирламчи аниқланиши нисбатан жуда кам бўлган: ҳар 100 минг аҳолига нисбатан Жиззах вилоятида 2022 йилда 5,0 та, 2023 йилда, 5,1 та, 2024 йилда 9,3 та, 2025 йилда 7,0 та псориаз билан касалланган беморлар аниқланган. Қашқадарё вилоятида ҳам нисбатан псориаз касаллиги кам аниқланган: мос равишда 13,8 та, 5,0 та, 6,6 та ва 5,4 та.

Ўзбекистон Республикасида псориаз ташхиси билан диспансер назоратига олинганлар 2022 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан 16,3 та, 2023 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан 15,6 та, 2024 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан 15,0 та, 2025 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан 14,3 та бўлган.

Шунингдек, 2025 йил якуни билан псориаз ташхиси билан диспансер назоратида қолган беморлар тўғрисидаги статистик маълумотлар ҳам ўрганилди. Тадқиқотларда псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар 100 минг аҳолига нисбатан республика кўрсаткичи 60,9 та бўлиб, ҳудудлар кесимида ўрганилганда Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар нисбатан кўп эканлиги аниқланди: мос равишда 100 минг аҳолига нисбатан 140,4 та; 136,8 та; 117,8 та ва 117,1 та.

Қашқадарё вилоятида эса псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар 100 минг аҳолига нисбатан кўрсаткич 5,5 та бўлиб, бу ҳудудда псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар жуда кам. Шунингдек, Андижон вилоятида (28,9 та), Наманган вилоятида (29,0 та) ҳамда Самарқанд вилоятида (27,3 та) псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморлар сони нисбатан камлиги аниқланди.

Республика маълумотларига кўра, псориаз ташхиси билан диспансер назоратида тўрган беморларнинг кўпроқ қисмини эркаклар ташкил қилмоқда. Яъни, жами беморларнинг 51,2%ни эркаклар ва 48,8% ни аёллар ташкил қилган.

Муҳокама.

2022–2025 йиллар статистик маълумотлар Ўзбекистонда псориазнинг аниқланиши йиллар давомида камайган. Беморларнинг жинсига кўра, нисбатан эркакларда кўпроқ касаллик аниқланган. Яъни, эркаклар улуши юқорилиги ҳам тадқиқотнинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, касалликни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги статистик кўрсаткичини аҳолидаги псориазнинг ҳақиқий тарқалиши билан тўлиқ тенглаштириб бўлмайди. Тиббий муассасага мурожаат қилмаган беморлар, енгил шаклдаги касалликка эга шахслар ва ташхиси бошқа дерматозлар билан адаштирилган ҳолатлар расмий ҳисобдан четда қолиши мумкин.

Тадқиқот муаллифлари ҳам Ўзбекистонда псориаз эпидемиологияси бўйича маълумотлар ҳажми ва сифатини ошириш, диагностик меъзонлар ҳамда касалланиш ва тарқалиш ҳисоботларини стандартлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Бу борадаги амалий ишлар тиббиётни рақамлаштириш жараёнида кўзга ташланмоқда.